
МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

Ижтимоий тармоқ орқали Олтиариқ тумани, Дўстлик МФЙ, Дўстлик кўчасида яшовчи 24 та хонадонлардаги ахоли вакилларининг ичимлик суви таъминотидаги муаммолар юзасидан “Сув - бу катта неъмат” сарлавҳали видеомурожаати юзасидан

Олтиариқ туман ҳокимлиги ва Фарғона Сув таъминот МЧЖ Олтиариқ туман филиали томонидан ҳолат ўрганилиб, расмий муносабат берилган эди.

Унга кўра, шу йил 1-сентябрь кунига қадар ҳудудда янги барпо этилаётган ичимлик суви тармоғига ушбу хонадонларни ҳам уланиши ҳақида келишиб олинган.

Айни кунда сув таъминоти идораси мутахассислари, Дўстлик МФЙ фаоллари ва маҳалла ахолиси билан биргаликда хашар ташкил этдилар. Ҳозиргача 500 метрдан ортиқ масофада хандаклар қазилиб, сув қувурлари ётқизилмоқда.

Ваъда қилинган муддат яқинлашган сари хашар янада авж олмоқда.

2022-08-24 17:07:46